

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШ САБАБЛАРИ ВА УЛАРГА ИМКОН БERAДИГАН ШАРТ ШАРОИТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ПСИХОЛОГИЯНИ ЎРНИ

Тўрахўжаева Раъно Рустамовна
ИИВ Академияси катта ўқитувчиси
Турсуналиева Маҳлиё Фарҳоджон қизи
ИИВ Академияси курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10258731>

Бугунги кунда жиноятларни сабаб шараоитларни бартараф этишда психологияга мурожаат этилишини талаб этилмоқда. Жамият ривожланишининг hozирги босқичида, фанлар тизимида психология фани муҳим аҳамиятга эга. Академик Б.М. Кедровнинг фикрича - психология ўзлаштирилаётган гуманитар, аниқ ва махсус фанларнинг марказини ташкил этади (Б.М.Кедров, 1998).

Амалиёт натижалари таҳлилининг кўрсатишича, жиноят содир этиш усулини танлашда, жиноятчи кўп ҳолларда нафақат психологик хусусиятларни, балки руҳий ҳолатларни ҳам ҳисобга олади. Руҳий ҳолат эса, маълумки, психологиянинг предмети ташкил этади. Демак, маъмурий назорат остидаги шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда улар томонидан илгари қайси турдаги жиноятлар содир этилганлигини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятчи шахси юридик психология учун ҳам, криминология учун ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади, зеро у муайян ташқи шарт-шароитларни оддийгина акс эттириб қолмай, балки ўзаро алоқанинг фаол томонини ташкил этади.

Ички ишлар органларнинг ушбу фаолият йўналишларидан, улар томонидан амалга ошириладиган мажбурлаш чораларини қўллаш тартиби, асослари ва мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1) ички ишлар органлари фаолиятида маъмурий мажбурлаш чораларининг қўлланилиши тегишли соҳавий хизматларнинг асосий функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Буларга, асосан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш каби хизматлар киради;

2) ички ишлари органлар томонидан мажбурлаш чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини қонунчилик ҳужжатлари ва идоравий-норматив ҳужжатлар (низом, йўриқнома) ташкил қилади;

3) махсус маъмурий мажбурлаш чоралари ҳисобланган жисмоний куч ишлатиш (қўл жанги, самбо усули), махсус воситалар (қўл кишан-лари, резина таёғи), зарур ҳолларда қурол ишлатиш каби таъсир чораларини қўллаш алоҳида тартиби мавжуд;

4) маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари ўз ҳокимият ваколатларини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида ҳуқуқий муҳофазаланган. Масалан, ички ишлар органлари ходимларининг ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги фармойишини бажармаслик маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланади ёки ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик шахсни маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади¹.

Шунингдек, жиноятчи психологияси масалалари билан шуғулланган М.И. Еникеев тўғри таъкидлаб ўтганидек, юқори ахлоқий фазилатларга эга ва жамиятда юриш-туриш қоидаларини ҳурмат қилувчи қонунга итоаткор шахс учун жиноят содир этиш билан боғлиқ вазият бўлиши мумкин эмас. Жиноят содир этиш вазияти фақат жинойий хусусиятларга эга шахсдаги бўлиши мумкин². Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, юқори ҳуқуқий маданиятга эга бўлган шахсларда кўпчилик ҳолатларда жиноят содир этиш учун иммунитет мавжуд бўлади.

Таҳлиллар асосида жиноят содир этилишини камайтириш, унинг омилларини бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

биринчидан, барча турдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда, таълим муассасаларида (у ерда ишловчи, таълим олувчи ва ташриф буюрувчи шахсларнинг ёш ва касб хусусиятларидан келиб чиқиб), фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ўзида “ижтимоий профилактика”, “криминологик профилактика” ва “виктимологик профилактика” рукнларини қамраб олган “Жиноятчиликка қарши кураш ҳақиқати ва адолати” бурчакларини ташкил этиш.

¹ Эркинович А.Х. Маъмурий назоратга олинган шахслар билан амалга оширадиган профилактик чора-тадбирларни аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2023. – т. 2. – №. 2. – с. 121-124.

² ЕникеевМ.И. Юридическаяпсихология. Учебник. СПб., 2004.

Бунда “Ижтимоий профилактика” рукнида ғайриижтимоий одатлар: алкоголизм, заҳарвандлик, гиёҳвандлик, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, бетартиб жинсий алоқа, ОИВ ёки ОИТС, унинг салбий оқибатлари, унга чалинган шахсларнинг қисматига оид;

“Криминологик профилактика” рукнида жиноятларнинг олдини олишга оид, яъни жиноятларнинг сабаблари уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, жиноят содир этган шахсларга тайинланган жазо ва уни ўташ шароитлари, тўғри йўлга қайтган шахсларнинг иқдорликларига оид;

“Виктимологик профилактика” рукнида жиноятдан жабрланишнинг олдини олишга оид тавсиялар, кўп учрайдиган жиноят турларидан жабрланишнинг олдини олиш усуллари, жиноятдан бевосита жабрланган шахсларнинг реал ҳикояларига асосланган, жиноятдан жабрланишга олиб келган виктим хулқ-атвор ва унинг турларига оид кўргазмали, инфографикали хусусиятга эга воситалар (жумладан, электрон) орқали шахсларда, айниқса, ёшларда ғайриижтимоий ҳодисаларга нисбатан иммунитет ҳосил қилиш ва уларда ижобий хулқ-атвор шаклланишига таъсир кўрсатиш;

иккинчидан, тажриба тариқасида вилоятлар ва шаҳар марказларида ижтимоий жиҳатдан хавfli вазиятда қолган ёшлар ва оилалар учун мўлжалланган самарали, қисқа муддатли оилавий маслаҳат хизмати – “Functional Family Therapy” (Функционал оилавий терапия) каби хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш; учинчидан, жамиятда зўравонлик, жумладан, маиший зўравонлик ҳолатларини камайтириш, уни келтириб чиқараётган омилларни бартараф этишга қаратилган, барча аҳоли қатламлари учун мўлжалланган “Olweus Bullying Prevention Program (BPP) – Olweus Зўравонликнинг олдини олиш дастури”ни ёки унга муқобил дастурларни Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича жойлардаги ҳудудий марказларда синов тариқасида жорий этиш; тўртинчидан, маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик асосида **“Низоли вазиятларни бошқариш маркази”** ёки **“Амалий психология маркази”** фаолиятини синов тариқасида йўлга қўйиш..

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эркинович А.Х. Маъмурий назоратга олинган шахслар билан амалга оширадиган профилактик чора-тадбирларни аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2023. – т. 2. – №. 2. – с. 121-124.
2. Охунов, Зафар, and Шоҳрух Қушбоқов. "Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар."

Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук 2.11 (2022): 34-39.

3. Қушбоқов, Шоҳрух. "жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи." Development of pedagogical technologies in modern sciences 1.4 (2022): 58-63.



WOC
WORLD
ONLINE
CONFERENCES

